



## REGARDING BORDER AGREEMENTS BETWEEN FERGANA REGION AND EASTERN TURKESTAN DURING THE RUSSIAN EMPIRE

**Akram Akhunov**

*PhD*

*Andijan State University  
Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Ferghana Valley, East Turkestan, Ettishahar, Turkestan Governorate General, Yakubbek, Ergashtom, New Margilan Treaty.

**Received:** 24.12.23

**Accepted:** 26.12.23

**Published:** 28.12.23

**Abstract:** This article is devoted to border issues observed in the second half of the 19th century between Fergana region and Eastern Turkestan during the Russian Empire. It includes border negotiations between the Turkestan Governorate and the Qin Empire, efforts to resolve conflicts in the border areas, ensure the safety of trade routes, demarcation issues, the attitude and positions of officials of both countries to these problems, and the relations between the Qin Empire and Russia. devoted to the processes of agreements between empires.

## РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ДАВРИДА ФАРГОНА ВИЛОЯТИ ВА ШАРҚИЙ ТУРКИСТОН ЎРТАСИДАГИ ЧЕГАРА КЕЛИШУВЛАРИ ХУСУСИДА

**Акрам Ахунов**

*PhD*

*Андижон Давлат университети  
Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Фаргона водийси, Шарқий Туркистон, Еттишаҳар, Туркистон генерал-губернаторлиги, Ёкуббек, Эргаштом, Янги Марғилон шартномаси.

**Аннотация:** Мазкур мақола Россия империяси даврида Фаргона вилояти ва Шарқий Туркистон ўртасидаги XIX аср иккинчи ярмида кузатилган чегара масалаларига бағишиланган. Унда Туркистон генерал-губернаторлиги билан Цинь империяси ўртасида олиб борилган чегара бўйича музокаралар, чегара олди худудларида кузатилган низоларга барҳам бериш, савдо йўлларининг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар,

демаркация масалалари, мазкур муаммоларга ҳар иккала давлат амалдорларининг муносабати ва тутган позициялар ҳамда Цинь империяси ва Россия империялар ўртасидаги келишувлар жараёнларига бағишиланган.

## О ПОГРАНИЧНЫХ ДОГОВОРАХ МЕЖДУ ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТЬЮ И ВОСТОЧНЫМ ТУРКЕСТАНОМ ВО ВРЕМЕНА РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ

*Акрам Ахунов*

*PhD*

*Андижанский государственный университет  
Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Ферганская долина, Восточный Туркестан, Эттишахар, Туркестанское генерал-губернаторство, Якуббек, Эргаштом, Новый Маргиланский договор.

**Аннотация:** Данная статья посвящена пограничным вопросам, наблюдавшимся во второй половине XIX века между Ферганской областью и Восточным Туркестаном во времена Российской империи. Он включает пограничные переговоры между Туркестанской губернией и империей Цинь, усилия по разрешению конфликтов в приграничных районах, обеспечению безопасности торговых путей, вопросы демаркации, отношение и позиции официальных лиц обеих стран к этим проблемам, отношения между Империя Цинь и Россия, посвященная процессам заключения соглашений между империями.

### КИРИШ

Фаргона водийси билан Шарқий Туркистон худудлари географик жиҳатдан ҳам ўзаро чегарадош бўлиб, бундай жойлашув икки минтақанинг ўзаро савдо-иқтисодий, маданий ҳамда сиёсий алоқаларига ижобий таъсир кўрсатган. Тарихдан маълумки, Шарқий Туркистон худудларида мусулмон аҳолининг яшashi, халқларнинг урф-одати, турмуш тарзида ҳам ўхшашлик мавжуд эканлигини кўрсатади. Фақатгина, Хитой давлатининг Шарқий Туркистон ўлкасини босиб олиши билан ўзаро муносабатлар маълум даражада қийин кечганини кўриш мумкин. XIX аср иккинчи ярмида икки томонда ҳам сиёсий вазият кескинлашди.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Фаргона водийси Россия империяси томонидан босиб олингач, Кўкон хонлиги ўрнида 1876 йили Фаргона вилояти ташкил топди. Шарқий Туркистонда эса бу вақтда Ёкуббекнинг Еттишаҳар давлати мавжуд бўлиб, у амалда мустақил ва хитойликларга умуман

бўйсунмаган эди. Таъкидлаш лозимки, ўз навбатида Ёқуббек 1869 йили Туркистон генерал-губернаторига хат ёзиб, унда икки ҳудуднинг ўзаро чегара келишувлари масаласида аниқлик киритишни маълум қилган. Бироқ генерал-губернатор бу масала 1860 йилги “Пекин шартномаси” асосида ҳал бўлганлигини айтиб, таклифни рад этган эди. Дарҳақиқат, Еттишаҳар давлати билан Фарғона вилояти ўртасида савдо-сотик муносабатлари яхши йўлга қўйилган эди. Бироқ Ёқуббек вафотидан сўнг вазият янада кескинлашди. Чунки Туркистон генерал-губернаторлиги 1871 йили Или водийсини вақтинчалик босиб олиши, хитойликларда катта норозиликка сабаб бўлган. Иккинчи томондан Ёқуббекнинг сирли ўлими туфайли 1877 йилдан бошлаб Фарғона ва Қошғар ўртасидаги вазият янада кескин тус олди. Цинь империяси таркибида қолиб кетган Улуғчат ерларида яшайдиган қирғизлар Фарғона вилоятидан савдо-сотик ишлари билан Қошғарга қатнайдиган савдогарларнинг молларини талай бошлайдилар. Бу хусусида Туркистон генерал-губернаторлигига бир қанча шахслардан мурожаатлар келиб тушган. Хусусан, 1878 йил февраль ойида Кўқонлик савдогар Отабой Фозилжонов томонидан Фарғона ҳарбий губернатори номига ёзилган шикоят хати ҳам мазкур муаммога бағишлиланган эди. Ушбу хатда кўрсатилишича, 1878 йилининг февраль ойида Қошғар-Ўш савдо йўли оралиғида мазкур шахснинг 2262 рубль миқдоридаги товарлари Қошғарлик қирғизлар томонидан олиб қўйилган. 1878 йили 10 апрелда Туркистон генерал-губернаторлигидан Фарғона ҳарбий губернатори номига ушбу воқеаларнинг бундай тарзда авж олиши муносабати билан маҳсус хат келади. Унда Фарғона ҳарбий губернатори генерал Абрамов Қошғар ҳокими Люшоо Цзундонга бўлиб ўтган воқеалар юзасидан билдиришнома лойиҳасини тайёрлаши ва генерал-губернаторликка тақдим этилиши кўрсатилган. Шунингдек, агарда тайёрланган хат лойиҳаси Туркистон генерал губернаторлиги маъмуриятига маъқул келса, Цинь империяси хукуматига юборилиши айтилади. Фарғона ҳарбий губернатори томонидан тайёрланган лойиҳа хатида 1877-78 йиллар мобайнida Қошғарнинг Юван бўлимида 15 та талончилик ишлари амалага оширилганлиги таъкидланади. Жумладан, келиб тушган мурожаатлардан бирида Зайнаббиби деган аёлнинг саккиз яшарлик Исо исмли фарзандини савдо йўлида қирғизлар томонидан тортиб олинганлиги таъкидланган. Бу каби хатти-ҳаракатлар Қошғарда яшовчи дунгандар ва улуғчат қирғизлари ҳамда хитойликлар томонидан амалга оширилган. Туркистон маъмурияти Хитой хукуматидан Қошғарда фаолият олиб борувчи савдогарларга шароит яратилиши лозимлиги, 1860 йилги Пекин шартномасига кўра чегара ҳудудларида эркин савдони йўлга қўйишга келишилган бўлса-да, лекин унга амал қилинмаётганлигини алоҳида кўрсатилган. Генерал-губернатор Кауфман ҳатто Ёқуббек даврида ҳам бундай ишлар кузатилмаганлигига урғу берган. Туркистон генерал-губернаторлиги ўз навбатида Фарғона ҳарбий губернаторига агарда Қошғарда вазият шундай тарзда сақланиб қолса,

бундай номақбул хатти-ҳаракатларга жавобан чорва маҳсулотлари, буғдой ва озиқ-овқатни Қошғарга чиқаришни таъқиқлаб кўйишни буюради. Дарҳақиқат, 1877-78 йиллар мобайнида Қошғарда фуқаролар томонидан 64 та талон-тарожлик амалага оширилиб, бунинг натижасида 121855 рубль миқдоридаги маҳсулотлар тортиб олинган. Шу ўринда, бундай ишларнинг амалга оширган улуғчат қирғизлари ҳакида тўхталиш лозим. Генерал-губернатор фон Кауфман билан Ёқуббек келишувига кўра, улуғчат қирғизлари Еттишаҳар давлати таркибида бўлган эди. Умарбек, Назарқул, Матрасул, Мулла Қувват каби уларнинг сардорлари рус ҳукуматига душманлик кайфиятидаги шахслар бўлганлар. Ҳатто Умарбек мазкур даврда Улуғчат бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келган.

Воқеаларнинг бундай қўринишида ривожланиши Туркистон маъмуриятини асло қониқтирмас, сабаби Қошғар худуди билан ўзаро иқтисодий алоқалар ҳам тўхтаб қолмоқда эди. Шу билан бирга одамлар орасида турли ҳавотир ва саросима келтириб чиқарувчи мишишлар кенг тарқала бошланган эди. Иккинчи томондан Хитой томони Или водийсини қайтариб беришни қатъий талаб қилган ҳолда Қошғар билан чегара ҳудудларда ҳам доимий равишида тартибсизликларни уюштира бошлади. Бу ҳолат икки ўртада уруш ҳавфини ҳам келтириб чиқаради. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Туркистон маъмурияти янги музокаралар учун тайёрлана бошлади.

Узоқ тортишувлардан сўнг 1881 йил Или ўлкаси Цин империяси ҳукуматининг қўлига ўтди. Или қайтариб берилгандан кейин Россия империяси Или водийсини талон-тарож қилиб, куруқ шаҳарларни ноилож топширишга мажбур бўлди.

1881 йил 12 февралда имзоланган Петербург битимида, Россия Хитой билан Фарғона вилояти ва Шарқий Туркистон ўртасида ҳам чегараланиш назарда тутилди. Мазкур битимнинг IX моддасига мувофиқ, Россияга тегишли Фарғона вилояти ва Хитойга тегишли бўлган Қошғар вилоятининг ғарбий қисми ўртасида чегараларни кўриб чиқиши ва чегара белгисини ўрнатиш учун иккала ҳукумат ўз комиссарларини тайинлайди. Комиссарларнинг иши асосида ўша вақтда чегаралар белгиланди. Бу эса шуни билдирадики, мазкур минтақада рус-хитой чегараланиши асосида Фарғона вилояти ва Қошғар ўртасида Ёқуббекнинг босиб олиши даврида юзага келган чегара асос сифатида қабул қилинди. Подполковник Корнилов ёзганидек, “бизга ҳукуматнинг қонунийлигини хитойликларнинг ўзлари ҳам тан олмаган Ёқуббекнинг босиб олган ерларини мутлақо рад қилиб туриш лозим эди. Ёки давлат сифатида мавжудлигини йўқотган Ёқуббекнинг давлат чегаралари билан ҳисоблашиш нима учун лозим бўлган? Капитан Куропаткин ҳамда Ёқуббек ўртасида тузилган битим чегараларини қаттиқ маъқуллаш даркор эди. Бунинг устига хитойликларга бадавлат эгаллаган (Ёқуббек-А.А) ўлкаларнинг чегаралари мутлақо номаълум эди. Гулжадаги элчимиз Падарин шундай ёзади: чегараланиш олдиdan хитойликлар Қўкон,

Хиндистон ва Тибет чегаралари тўғрисида зўр бериб суриштириш ишларини амалга оширди”.

Кескинлик ўша даврда Буюк Британия ҳукумати томонидан ифво қилинган ҳамда Хитой ва Афғонистоннинг Помирни бўлиб олишга гиж-гижлашни бошлаган “Помир масаласи” деб номланган муаммонинг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлиб, Фарғона вилояти ва Хитойнинг Қошғар вилояти ғарбий кисми ўртасида чегараланишни Россия кечиктириб бўлмайдиган иш сифатида қараган. 1883 йилнинг ёзидаёқ манчжур-хитой қўшинлари Шарқий ва ҳаттоқи, Марказий Помир чегараларида янада кўпроқ пайдо бўла бошладилар. Рус ҳукумати Помирда юзага келган мазкур вазиятга бефарқ қараб туролмади. Шунинг учун мазкур минтақада Россия ва Хитой ўртасида расман чегараланишга шошилди. 1883 йилнинг 7 июнида Еттисув ва Фарғона вилояти билан Шарқий Туркистонни чегаралаш бўйича рус ҳукумати томонидан тайинланган генерал-майор Мединский Тяньшан тоғ тизмасининг жанубий қояларида жойлашган Чигар дарасига етиб келиб, Хитой томонидан ваколатли шахс ҳисобланган амбани Ша билан учрашди. Россия ҳамда Хитой вакиллари ўлкада чегараланишни амалга ошириш ва чегара чизиги аниқ харитасини тузиши зарур эди. Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Абрамовнинг таклифига кўра, чегаранинг кейинги силжишини Малтабар тоғидан жанубга томон фақатгина Ўзбел довонигача белги қўйилди. Бу йўналиш ўлкани олдиндан текширишларсиз қабул қилинди.

Чегараларни белгилаш бўйича ишлар келгусида Суек ва Эргаштом ўлкаларини чегара пунктлари сифатида тан олишни хоҳламаган Цин ваколатли шахсларининг қаршилигига учради. Улар шу тарзда Қоракўлни Хитой қарамлигига қолдириб, чегарани ғарбга Терек довонигача, у ердан эса Ойтал ва Терак Довон ва Таун Мурун тоғ тармоғи табиий чегарасига силжитишни қаттиқ туриб маъқулладилар. Хитой эмиссарларининг фикрига кўра, рус-хитой чегараси Ўзбел довонининг ғарбida ётган Каенгли довонида тўхташи зарур эди.

Амбан Ша даъволарини рад этган Мединский, Наурус довонини Россия чегарасида қолдириш муқобил талабини илгари сурди. Шунингдек, у ўзлари эга бўлган кўчманчи Россия фуқаролари қирғизлари ва Терак-Довондан Эргаштомга чўзилиб ётган йўл орқали Икезак иккала довонлари устидан рус ҳукуматининг назоратини мустаҳкамлаш учун, чегарани Кўксув дарёсидан шарққа томон то Иттиқ ва Қорабел довонигача суришни талаб қилди. Кейин Мединский, чегарани Малтабар дарёсининг юқори оқими жанубига қадар бориши, ундан эса тоғ тизмаси бўйлаб Малтабар тоғигача, сўнг Маркансу дарёси орқали тизма тоғ тармоғи бўйлаб Учбел довонига, сўнгра Қоракўлдан шарқ томонида ётган мухим тоғ тизмаси бўйича Ўзбел довонигача суришни таклиф қилди.

Суек довонидан чегараларни белгилаш Мединский томонидан таклиф қилинган йўналишда давом этди. 1883 йилнинг кузида Эргаштом ясси тоғигача чегараларда белгиларни ўрнатиш ишлари амалга оширилди. Ўзбелгача қолган қисм эса баланд тоғ рельефи ва совук иқлим шароитлари сабаб, қийинчиликлар туфайли фақатгина ойдинлаштирилди, холос. 1884 йилнинг 22 май куни Янги Марғилон шахрида Россия ва Хитой вакиллари ўртасида чегара чизиги харитаси ва дипломатик хужжат (протокол) алмашиш бўлиб ўтди. Эргаштомнинг жанубий чегараси хусусида дипломатик хужжатда шундай дейилади: "...Эргаштом табиий чегарасидан жанубга, чап қирғоғи Россияяга, жануби эса Хитойга тегишли бўлган Малтабар дарёси бўйича чегарани ўрнатиш; кейин эса бу дарёнинг юқори оқимидан чегара чизиги тоғ тизмаси бўйлаб жанубга томон то Малтабар тоғигача мазкур йўналиш бўйича чўзилган бу тоғ тизмаси томони бўйлаб Маркансу дарёси орқали Учбел довонига, мазкур тоғ тизмасида жойлашган Калта довон ёки Қора арт (катта қисми қор билан қопланган) орқали Қорақўлдан шарққа томон ётган энг муҳим тоғ тизмаси бўйлаб, сўнгра ўша тоғ тизмаси одам оёғи етиши қийин бўлган, Қоразак довони орқали Қизилжияк деб номланувчи (катта қисми қор тагида) Ўзбел довонигача, Россиянинг чегараси жанубий-ғарбий томонга, Хитойнинг чегараси эса жанубга қайрилиб тўхтайди. Шу тарзда олиб борилган чегара чизигидан ғарбда ётган дарёлар билан оқиб ўтувчи барча ерлар Россия давлатининг қарам ўлкасини ташкил этади. Мазкур чегара чизигининг шарқида ётган ерлар дарёлари билан эса Дайцин давлатининг мулки ҳисобланади". Ўзбелнинг жанубий довони чегарасини ўтиши тўғрисида ифодалаш, кейинчалик "Мединский изоҳи (ёки ибораси)" деб ном олди. 1883 йилда Шуғнон ва Рушонни Бадахшон хукумати қўшинлари томонидан босиб олиниши, бир томондан Хитойнинг Шарқий Помирни забт этиш ниятида эканлигини очиқ-оидин маълум қилди. Бошқа томондан эса, мазкур минтақада Россиянинг манфаатларини имкон қадар кафолатлашда Мединскийни умумий шаклда қарор қабул қилишга мажбур қилди. Энг муҳими, Мединскийнинг ноаниқ таърифининг бош сабаби Россия ҳукмдорлари доирасининг Помирдаги ролини яхши англамаслиги бўлди. Шунингдек, Помирда Хитой даъволарига қарши кескин асоснинг йўқлиги ҳам Мединскийнинг тутуруқсиз қарор қабул қилишига сабаб бўлди. Вазиятнинг кейинги ривожланиши шуни кўрсатди-ки, "Мединский изоҳи" Помирни чегаралаш масаласини ҳал қилишда кучли мураккабликларга олиб келди.

Юкорида таъкидланганидек, Фарғона водийси ва Қошғар ўртасидаги чегаралар аввалги келишувга асосан 1884 йили қайта имзоланди. Ва ниҳоят, қарайиб 30 йилдан ортиқ давом этган тортишувлар шу тариқа якун топди. Мазкур жараёнда иккала давлат ҳам ўз манфаатлари нуқтаи-назаридан иш кўрдилар. Маҳаллий халқ манфаатлари умуман ҳисобга олинмади. Йирик давлатларнинг мустамлакачилик сиёсати натижасида 1881 йилдан 1884 йилгacha 70

минг ахоли Шарқий Туркистондан Россияга ноилож кўчишга мажбур бўлди. Шу билан Шарқий Туркистон масаласида йирик мамлакатлар рақобатининг яна бир босқичи вақтинча якун топади. Шунга қарамай, ушбу келишувлар давлатларнинг кейинги тараққиётига маълум даражада ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Таъкидлаш лозимки, ўзаро келишувлардан кейин ҳам кўплаб низолар бўлиб турган. Чегаранинг заиф химоясидан фойдаланиб, Цинь империяси ҳарбий бўлинмалари Россия эгалик қилган худудга бостириб кирдилар. Шундай қилиб, 1885 йил июнь ойининг биринчи ярмида Ўш округи худудида Қизил-сувга қуийладиган Малтабар (Эргаштом) дарёсининг ўнг қирғоғида 250 кишидан иборат Хитой ҳарбий отряди пайдо бўлди. Отряд бошлиғи бу ерда айланиб юрган қирғизларга “Эргаштом Хитой пости эканлигини ва ҳозирда Эргаштом билан чегара ўртасидаги, гўёки Терек-Даван ва Тау-Мурун довонлари орқали ўтувчи худудларни кўздан кечириш учун келганини” айтдилар. Бу ердаги чегара аслида комиссар Мединский ва Ша томонидан тузилган тегишли протоколга кўра Эргаштом довони бўйлаб ўтган эди. Хитойликлар Россияга тегишли худудда чегара постларини қура бошлаганлар. Россиянинг Қошғардаги консули Н.Ф.Петровский Хитойнинг маҳаллий ҳокимият органларига (“Қашғардаги маҳаллий ишлар бошлиғи ва қўшинлар бошлиғи амбань Хуангуга”) рус фуқароларига нисбатан зўравонлик ва Хитой амалдорлари томонидан чегарани бузиш тўғрисидаги қилган эътиорзлари эътиборсиз қолади. Туркистон ўлкаси генерал-губернатори Розенбах эса Хитой ҳукуматидан чегара режимини бузганларни жазолашни талаб қилиш илтимоси билан Россия Ташқи ишлар вазирлигига мурожаат қилишга мажбур бўлади.

Қошғар ҳукумати рус савдосига тўсқинлик қилади, товламачилик ва очиқ талончилик билан шуғулланди. Консул Петровский бу ҳақда 1886 йил 2 сентябрда Ташқи ишлар вазирлигининг Осиё бўлимига маълум қилди: “Ўз обрўсини сақлаб қолиш ва аҳамиятимизни пасайтириш мақсадида, Цинь маъмурияти турли баҳоналар билан Ўрта Осиёдан келган рус муҳожир(“Андижонликлар”)ларига ҳар хил имтиёзлар ва марҳаматларни, жумладан, Қошғар аёлларига уйланишга рухсат беришни ваъда қилиб, ўз фуқаролигига олмоқда.

Россия чегара идоралари ва консулликлари учун Қошғарда бошланган ўзгаришлар муносабати билан бу ва бошқа муаммоларни ҳал қилиш тобора қийинлашди.

XIX асрнинг 90 йиллари бошларида Помирда Хитой ва Россия ўртасидаги чегара муносабатлари яна кескинлашди. Хитой чегараси Ўзбел довонидан жанубга, Россия эса жануби-ғарбга бурилганда Янги Марғилон шартномасида кўрсатилган чегара чизифининг ноаниқлиги нейтрал зонага эгалик қилиш тўғрисида ўзаро тортишувларга сабаб бўлган. Томонларнинг ҳар бири Помирга ўз ҳукуқларини исботлаб, қуролли отрядларни жўнатиб, чегаранинг баҳсли участкаларини эгаллаб олиш орқали уларни мустаҳкамлади. Хитой

хукумати ўз даъволарини, хусусан, 1759 йилда Ўрта Осиёга қочиб кетган Шарқий Туркистон хўжаларини таъқиб этаётган манжур-хитой қўшинларининг Помирга етиб бориши, бу ерда хитой, манъчжур ва уйғур тилларидаги ёзувлари бўлган тош плита (стелла) Яшил-Кўл кўлида ўрнатилганлигини, бу худуд Цинь императорига тегишли эканлигини таъкидлар эди.

## ХУЛОСА

Ушбу далиллар билан баҳслашар экан, Россия томони стеллалар, агар улар ўрнатилган бўлса, ноқонуний қилингандигини, чунки Цинь қўшинлари пайдо бўлишидан 250 йилдан кўпроқ вақт олдин Помир аллақачон мустақил давлат - Фарғонанинг бир қисми бўлганлигини, кейинчалик у Қўқон хонлигининг бир қисми айлангандигини 1875-1876 йилларда ниҳоят Россияга бириктирилганини айтади. Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида интенсив нота алмасиш ва Пекиндаги Россия миссияси ва Санкт-Петербургдаги Хитой миссияси ўртасидаги музокаралар 1894 йил апрел ойида 1884 йил протоколи асосида Сарикўл тизмаси бўйлаб вақтинчалик чегарани сақлаб қолиш тўғрисидаги келишув билан якунланди. Хулоса қилиб айтганда икки минтақа ўртасидаги чегара келишувлари шу асосда, маҳаллий халқлар манфаатларига зид равишда амалга оширилган эди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. ЎзМА,1-фонд,34- рўйхат, 12-иш, 26- варақ.
2. ЎзМА, 276-фонд, 1-рўйхат, 338-иш, 35-варақ.
3. ЎзМА, 276-фонд, 1-рўйхат, 338-иш, 87-варақ.
4. Формирование советско-китайской границы 1689-1973 гг. Документы и материалы. В 3 т. – Москва, 1974. Т. 1. 1689-1915 гг. – С. 307.
5. Корнилов Л.Г. Кашгария и Восточный Туркестан. Т., 1903. - С. 33.
6. Сборник действующих трактатов, конвенций и соглашений. – СПб., 1891. Т. 4. С. 381-383.
7. Моисеев В.А. Россия и Китай в Центральной Азии (вторая половина XIX в. - 1917 г.). – Барнаул: АзБука, 2003. – С.230.
8. Urakov D.J. From history of the shaping Center Asia borders to Russian empire (“Pamir’s question”) // European applied sciences 2017 Том 1 Номер 1. – С.52-56.
9. Ураков Д.Ж. Из истории формирования Центральноазиатских границ Российской империи («Памирский вопрос») // EUROPEAN APPLIED SCIENCES
10. Urakov D.J. THE HISTORY OF THE RELATIONS OF THE TURKESTAN GENERAL-GOVERNORSHIP WITH NEIGHBORING COUNTRIES IN THE 70S OF THE 19TH CENTURY // EPRA International Journal of Socio-Economic and Environmental Outlook (SEEO) 2023/6/21 Том 10 Номер 6 Страницы 22-25

11. Xaynazarov B., Turekulova Z.- FROM THE HISTORY OF THE AGREEMENTS BETWEEN THE RUSSIAN AND CHINESE EMPIRES ON THE ISSUE OF EAST TURKESTAN IN THE XIX CENTURY // CURRENT RESEARCH JOURNAL OF HISTORY, 2021 Vol. 2 No. 11 (2021): Volume02 Issue11 Pages: 32-38

12. Khaynazarov B. Trade Issues In Central Asia In The Anglo-Russian Competition Of The XIX Century // The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2021 Том 3 Номер 12 Страницы 144-149

13. ХАЙНАЗАРОВ Б.Б. XIX АСРДА ШАРҚИЙ ТУРКИСТОН МАСАЛАСИ БЎЙИЧА РОССИЯ ВА ХИТОЙ ИМПЕРИЯЛАРИ ЎРТАСИДАГИ КЕЛИШУВЛАРИ ТАРИХИДАН // - Uzbek Conference Publishing Hub, 2021